

Фикҳ дарслари (98-дарс). Фуслнинг ҳикматлари



13:01 / 13.08.2020 3879

«**Фусл**» сўзи луғатда бирор нарсанинг устидан сув оқизишни англатади.

Шариатда эса Аллоҳ таолога қурбат ниятида баданнинг ҳаммасига сув оқизишга «фусл» дейилади.

Фуслнинг шариатимизда вожиб қилинишининг ҳикматлари кўп.

Аввало, у ибодат, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш учун зарур нарса.

Иккинчидан, поклик, озодалик ва соғлик учун ўта муҳим омил.

Қолаверса, фуслни вожиб қилувчи нарсалар туфайли инсон вужудида пайдо бўладиган баъзи нопокликларни кетказиш, маний кетиши ила жисм йўқотган нарсаларни қайта тиклашдир.

Жинсий яқинлик ва эҳтиломдан кейин фусл қилган одамда қон юриши яхшиланади ва тетиклик тикланади.

Шунингдек, ният билан қилинган фусл туфайли гуноҳлар ҳам ювилади.

?????? ?????? ????????????? ?????????? ????????????

Ғулнинг фарзи оғзини, бурнини ва бутун баданини ювишдир.

Бу жумладан ғулнинг фарзи учта экани англаб олинади:

1. Оғизни чайиш.

Албатта, оғизни яхшилаб чайиш ғулнинг фарзларидан бири экани ҳаммага маълум. Бусиз ғул бўлиши мумкин эмас.

2. Бурунни чайиш.

Бурунни яхшилаб тозалаб, муболаға ила чайиш ҳам ғулнинг фарзи ҳисобланади. Рўзадор бурунга сув олишда муболаға қилмайди.

3. Баданнинг барча ерини ювиш.

Бутун танани, бирор тукнинг остини ҳам қўймай, сув етказиб ювиш ҳам ғулнинг фарзидир.

Ғулнинг фарзлиги Моида сурасидаги қуйидаги оятдан олинган:

«Агар жунуб бўлсангиз, покланинглар» (6-оят).

Бунда ювиш имкони бор барча жойни поклаш маъноси бордир.

Аллоҳ таоло яна Нисо сурасида:

«Ва жунуб ҳолингизда ҳам, то ғул қилмагунингизча (масжидда турманг). Магар йўлдан ўтувчи бўлса, майли», деган (43-оят).

Ушбу икки оятда оғиз, бурун ва баданнинг барчасини ювиш маъноси бор.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, ҳар бир тук толаси остида жунублик бор. Бас, сочни ювинг ва баданни покланг», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Ушбу ҳадиснинг бошқа бир ривоятида:

«???? ?????? ?????????? ?????????? ???? ??????????????
???? ?????????????? ??????? ?????? ?????? ?????????? ????
?????????»..????? ??????????: ??????? ?????? ?????????????
???????????? ?????????? ??????? ?????????????? ?????????? -
???????????? - ?????????? ?????????? ?????????????.

«Ким жунубликдан бир тук ўрнини ювмай қолдирса, дўзахда ундоқ қилинади, бундоқ қилинади», дедилар».

Али:

«Шунинг учун бошимни душман тутдим», деб уч марта айтди. У сочини қирдириб юрар эди», дейилган.

«Кифоя» китобидан